

“МУВОЗАНАТ” РОМАНИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ ХУСУСИДА

Д.Эшонқулова **БухДУ 2-босқич** магистранти

Мустақиллик даври ўзбек адабиётида, хусусан, романчиликда ўзига хос ўрин эгаллаган асарлардан бири “Мувозанат” - ёзувчи ва шоир Улуғбек Ҳамдамнинг биринчи романи. Илк йирик асарида ҳам ёзувчи муваффақият қозониши, китобхонлар қалбини ром эта олиши мумкинлиги адабиёт тарихидан маълум (А.Қодирий). Шу жиҳатдан қараганда, У.Ҳамдамнинг илк романи ҳам адабий жараёнда воқеа бўлган асарлардан бири сифатида тан олинди. «Мувозанат» мустақиллик йилларининг қайноқ кайфиятини акс эттирган реалистик асар сифатида академик М. Қўшжонов, профессорлар О.Шарафиддинов, У. Норматов, А. Расулов, С. Содиков, Н. Худойберганов, Д. Қуронов, ёзувчилар П. Қодиров, Ж. Абдуллахоновлар томонидан юксак баҳоланди.

Ёзувчи П.Қодиров ўзининг “Маънавият, модернизм ва абсурд” деб номланган машҳур мақоласида асарни “сўнгги ўн йилда чиққан ўзбек романларининг энг яхшиларидан бири” деб ҳисоблашини билдирган эди.

Академик М.Қўшжонов ўзининг “Шиддат билан ёзилган роман” сарлавҳали сўзбошисида шундай ёзади: “Бошқа бир хислатни алоҳида таъкидлашни истардим. Услуб жиҳатидан «Мувозанат» бошқа асарлардан анчагина фарқ қилади. Асар шиддат билан ёзилган. Мавзу доираси ниҳоятда аниқ. Бироқ қизиқ воқеа ёки манзара тасвирига берилиб кетиб, мавзудан четлаб кетиш йўқ. Романда бирон сатр, бирон жумла ёки бирон абзатс йўқки, у ё шиддатни пасайтирган бўлсин ва ё мавзудан узоқлаб кетган бўлсин! Бу жиҳатдан воқеалар роман саҳифаларига қўйма бўлиб киради”¹.

О.Шарафиддинов “Мувозанат” том маънода анъанавий услубда ёзилган асар деб ҳисоблайди. Танқидчи У. Норматов асарни бугунги куннинг романи деб атаган эди. Бу реалистик романга ўтиш даври асос қилиб олинган. Унда шу даврдаги замондошларнинг ички дунёси, руҳий олами орқали ҳаёт тасвир этилган, бугунги куннинг иқтисодий, маънавий томонлари, инсон ҳаётининг мувозанати кўрсатилган. Ёзувчининг ютуғи – ҳам маънавий, ҳам моддий руҳиятли одамларнинг ҳаётини маҳорат билан тасвирлай олганлигида.

¹ Қўшжонов М.Шиддат билан ёзилган роман. “Мувозанат”га сўзбоши. Тошкент. 2004.

Колумбия университетиди фаолият кўрсатаётган замонавий ўзбек адабиётининг Америкадаги мухлиси ва тадқиқотчиларидан бири Ричал Нарри “Мувозанат” ҳақида объектив фикрлар билдирган. Тадқиқотчи романнинг бошқа асарлардан фарқи ва қийматини уч муҳим омил билан изоҳлайди: «Замонавий тилшунослик оқидамида ёзилган бу асардаги ўзига хос **биринчи фактор** асар қаҳрамонларининг характерларига хос муомила услуби; **иккинчиси**, миллат сифатида ўз-ўзини англаш йўлининг миллий характер муштараклигида акс эттирилиши, **учинчиси**, китобхоннинг кўнгил эҳтиёжи сифатида етилган мавзунинг жасорат билан акс эттирилиши натижасида нафақат кичик, балки катта доирадаги (хорижлик) мухлисларга эга бўлганлиги².

Чиндан ҳам асардаги талай образлар — Юсуф, Саид, Миразиз, Захро, Амирларнинг фожиавий ҳолатлари, уларнинг зоҳирий ва ботиний нутқлари китобхон руҳий оламига таъсир ўтказди. Ҳар бир қаҳрамоннинг муомала услуби уларнинг характер мантиғи, психологик ҳолати ва дунёқарашига мос тасвир этилади. Ижодкор турмуш воқеаларини образларнинг руҳий ҳолатлари орқали умумлаштириб беришнинг ўзига хос йўллари кашф этади.

Америкалик олима Ричал Наррид Улуғбек Ҳамдамнинг тилдан фойдаланишдаги қобилиятига ҳам баҳо беради. Воқеликни реалистик тасвирлашнинг бирламчи шарти -жамиятдаги барча табақага мансуб вакилларнинг бир асар майдонида муваффақиятли равишда акс эттириш билан ҳам изоҳланади. Асардаги бу жиҳатни Америка ўзбекшуноси ҳам тўғри баҳолаган. Тадқиқотчи романга танланган мавзуни («Мувозанат-*equilibrium*») **интенсив, шиддатли, таъсирли (ёки таъсирчан) (intence)** ва ниҳоятда кучли(**terrifying**) деб эътироф этади. Олиманинг юқоридаги хулосасини адабиётшунос олимлар Матёқуб Қўшжонов ва Дилмурод Қуронов фикрларининг мантиқий давоми сифатида баҳолаш мумкин бўлади¹.

“Умумдард тасвири” деб номланган А.Отабоев билан ёзувчи ўртасида бўлиб суҳбатда адибнинг “Мувозанат” романи, унинг ёзилиши ҳақида фикр юритилган.

Адабиётшунос олим С.Содиқнинг биринчи тақризи “Мувозанат” романига бағишланган бўлиб, “Имкониятлар романи” деб номланган. Олим

² Кўчирма З. Мирзаеванинг “Мувозанат Америкада” мақоласидан олинди. “Талабалар дунёси”. 2009. № 4.

¹ Қуронов Д. Сўнгсўз ўрнида. “Мувозанат” романига ёзилган сўнгсўз. Мувозанат. Тошкент. 2004.

ёзувчининг биринчи романидаги ютуқлар билан бир қаторда камчиликларни ҳам асослаб кўрсатади².

М. Қўчқорованинг “Улуғбек Ҳамдам прозасида руҳият талқини” деб номланган тадқиқотида адибнинг бошқа асарлари қаторида “Мувозанат”га тўхталиб, унинг адабий жараёндаги ўрнини кўрсатишга ҳаракат қилган³. Шунингдек, роман И.Ёқубов, З.Пардаева, Ш.Дониёрова, М.Пирназарова каби тадқиқотчиларнинг илмий ишларида ҳам тадқиқ этилди. Романнинг бадиий савияси, унинг тилидаги камчиликлар ҳақида матбуотда танқидий мулоҳазалар ҳам билдирилди (М.Чориева, Ҳ.Карвонли). Шунга қарамай, асар ўз китобхонларини топди, адабий жараёндаги муваффақиятли ҳодисалардан бири сифатида тан олинди.

Кўринадики, адабий танқид адабий жараёнда ўзига хос ўрин эгаллаган, китобхон эътиборини торта олган асарга нисбатан бефарқ эмас экан, бу эса адабий танқиднинг суғлашиб бораётгани ҳақидаги эътирозларни рад этишга ёрдам бериши шубҳасиз.

² С.Содиқ. Ижоднинг ўттиз лаҳзаси. Адабий -танқидий мақолалар. Тошкент. Шарқ. 2005. 144 -154 бетлар.

³ Қўчқорова М. Бадиий сўз ва руҳият манзаралари. Тошкент. Муҳаррир. 2011. 156 -168 бетлар